

“YANGI ASR” - ILMIY-METODIK JURNALI

1 ЖИЛД, 1 СОН

“НОВЫЙ ВЕК” - НАУЧНО-МЕТОДИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ

ТОМ 1, НОМЕР 1

“NEW CENTURY” - SCIENTIFIC-METHODICAL JOURNAL

VOLUME 1, ISSUE 1



“YANGI ASR” – ILMİY-METODİK JURNALI

“НОВЫЙ ВЕК” – НАУЧНО-МЕТОДИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ | “NEW CENTURY” – SCIENTIFIC-METHODICAL JOURNAL

№1 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2023-1>

Bosh moharrir

Zoxidov Qobiljon Toirjonovich
Yangi asr universiteti rektori,
tarix fanlari nomzodi, Dotsent

*

Bosh muharrir o‘rinbosari
Mamatov Dilmurod Narmuratovich
Pedagogika fanlari doktori,
Dotsent

ТАХРИРИЙ МАСЛАХАТ КЕНГАШИ

Mas‘ul kotib

Yusupov Oybek Nematjonovich,
Dotsent (O‘zbekiston)

*

Muslimov Narzulla Alixanovich
Pedagogika fanlari doktori,
Professor (O‘zbekiston)

*

Qo‘ysinov Odil Almurotovich
Pedagogika fanlari doktori,
Professor (O‘zbekiston)

*

Shaxabitdinova Shoxida Xoshimovna
Filologiya fanlari doktori,
Professor (O‘zbekiston)

*

Akromov Mirmuxsin Rustamovich
Psixologiya fanlari doktori
(O‘zbekiston)

*

Rustamov Dilshod Abduvaxidovich
Filologiya fanlari doktori,
Professor (O‘zbekiston)

*

Saliyeva Zuxra Taxirovna
Psixologiya fanlari doktori,
Dotsent (O‘zbekiston)

*

To‘raqulov Olim Xolbutayevich
Pedagogika fanlari doktori,
Professor (O‘zbekiston)

*

Konstantinos G. Karras
PhD., Professor (Gretsiya)

*

Park Sang Wu
PhD., Professor
(Janubiy Koreya)

*

**Yuldashodjayev Haydar
Xashimxanovich**
tarix fanlari nomzodi
(O‘zbekiston)

*

Ishandjanov Baxtiyer Ilxamovich
tarix fanlari nomzodi
(O‘zbekiston)

*

Bekchonova Shoira Bazarbayevna
PhD (O‘zbekiston)

Главный редактор

Зоҳидов Кабилжон Тоиржонович,
Ректор Университета «Новый век»,
кандидат исторических наук, доцент

*

Заместитель главного редактора
Маматов Дилмурод Нармуратович
доктор педагогических наук,
доцент

РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ

Ответственный секретарь
Юсупов Ойбек Нematjonovich,
доцент (Узбекистан)

*

Муслимов Нарзулла Алиханович
доктор педагогических наук, профессор
(Узбекистан)

*

Куйсинов Одил Алмуротович
доктор педагогических наук,
профессор (Узбекистан)

*

Шахабитдинова Шохида Хошимовна
доктор филологических наук,
профессор (Узбекистан)

*

Акромов Мирмухсин Рустамович
доктор психологических наук
(Узбекистан)

*

Рустамов Дилшод Абдувахидович
доктор филологических наук,
профессор (Узбекистан)

*

Салиева Зухра Тахировна
доктор психологических наук,
доцент (Узбекистан)

*

Туракулов Олим Холбутаевич
доктор педагогических наук,
профессор (Узбекистан)

*

Константинос Г. Каррас
PhD., профессор
(Греция)

*

Пак Сан У
PhD., профессор
(Южная Корея)

*

**Юлдашходжаев Хайдар
Хашимханович**
кандидат исторических наук
(Узбекистан)

*

Ишанджанов Бахтиёр Ильхамович
кандидат исторических наук
(Узбекистан)

*

Бекчонова Шайра Базарбаевна
PhD
(Узбекистан)

Editor in chief

Zohidov Kabiljon Toirjonovich,
Rector of New Century University,
Candidate of History, Associate Professor

*

Deputy chief editor
Mamatov Dilmurod Narmuratovich
Doctor of Pedagogical Sciences,
Associate Professor

EDITORIAL BOARD

Executive secretary
Yusupov Oybek Nematjonovich,
Associate Professor (Uzbekistan)

*

Muslimov Narzulla Alikhanovich
Doctor of Pedagogical Sciences,
Professor (Uzbekistan)

*

Kuysinov Odil Almurotovich
Doctor of Pedagogical Sciences,
Professor (Uzbekistan)

*

Shakhabitdinova Shokhida Hoshimovna
Doctor of Philology Sciences,
Professor (Uzbekistan)

*

Akromov Mirmuxsin Rustamovich
Doctor of Psychology
(Uzbekistan)

*

Rustamov Dilshod Abduvakhidovich
Doctor of Philology Sciences,
Professor (Uzbekistan)

*

Turakulov Olim Holbutayevich
Doctor of Pedagogical Sciences,
Professor (Uzbekistan)

*

Konstantinos G. Karras
PhD, Professor (Greece)

*

Park Sang Woo
PhD, Professor
South Korea

*

**Yuldashkhodzhayev Khaydar
Khashimkhanovich**
PhD in history Sciences
Uzbekistan

*

Ishandjanov Bakhtier Ilhamovich
PhD in history Sciences
(Uzbekistan)

*

Bekchonova Shayra Bazarbaevna
PhD (Uzbekistan)

PageMaker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT

FILOLOGIYA TADQIQOTLARI

1. Nazarov Sardor Xasanovich BADIY TARJIMANING LINGVISTIK MUAMMOLARI.....	4
2. Латипов Окил Журакулович КОНЦЕПТ «КОШКА» В АСПЕКТЕ ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИЧЕСКОЙ ИНТЕРПЕТАЦИИ.....	10
3. Шахобиддинова Шохида Ҳошимовна, Рустамов Дилшод Абдувоҳидович СИНЕРГЕТИКА – ТИЛГА ОИД ТАДҚИҚОТЛАРИНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ МЕТОДОЛОГИЯСИ.....	18
4. Юсупов Ойбек Нематжонович ТАРЖИМА ИЛМИ.....	27

PEDAGOGIKA TADQIQOTLARI

5. Adamandia Z., Kulijanov U. SUCCESS FACTORS OF A SUCCESSFUL DIGITAL STORYTELLING.....	36
6. Bekchonova Shaira Bazarbayevna KIBER TAHDIDLAR INDEKSI.....	44
7. Govindh M. MODERN EDUCATION: IMPORTANCE, CHARACTERISTICS, ADVANTAGES & EFFECTS.....	51
8. Konstantinos G. Karras SOFT SKILL DEVELOPMENT IN PRIMARY SCHOOL WITH A FOCUS ON NEW TECHNOLOGIES THROUGH CRITICAL PEDAGOGY.....	55
9. Leonidas-Dimitrios Kotrogiannos EDUCATION OF VULNERABLE GROUPS THE CASE OF GREECE.....	65
10. M^a Pilar M.C., Celia Navío IDENTIFYING GOOD PRACTICES WHEN IMPLEMENTING STORYTELLING IN THE EFL CLASS.....	73
11. Mamatov Dilmurad Narmuradovich RAQAMLI TEXNOLOGIYALAR ASOSIDA TA'LIMDA KORPORATIV HAMKORLIK ASOSLARI.....	79
12. Қўйсинов Одил Алмуротович ЎҚУВЧИЛАРНИНГ МАНИҚИЙ ФИКРЛАШИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ХАЛҚАРО ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ ЎРНИ.....	85

PSIXOLOGIYA TADQIQOTLARI

13. Акрамов Мирмуҳсин Рустамович АХЛОҚИЙ ОНГ ТАБИАТНИ ЭСТЕТИК ИДРОК ҚИЛИШНИНГ ПСИХОЛОГИК ОМИЛИ СИФАТИДА.....	89
--	----

TARIX TADQIQOTLARI

14. Зоҳидов Қобилжон Тоиржонович СИЙРА ВА ТАБАҚОТ ЖАНРИДАГИ АСАРЛАР АРАБ-МУСУЛМОН ТАРИХИНИ ЎРГАНИШДА МУҲИМ МАНБА.....	95
15. Ишанджанов Бахтиёр Илохомович МОВАРОУННАҲРДА СИЁСИЙ-ИЖТИМОИЙ ВА МАДАНИЙ ҲАЁТ.....	101
16. Саттиев Музаффар Латифович ТОИФ БИТИМИ - СИЁСИЙ ТРАНСФОРМАЦИЯ САРИ ҚАДАМ.....	106

YANGI ASR

НОВЫЙ ВЕК - НАУЧНО-МЕТОДИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ
NEW CENTURY - SCIENTIFIC-METHODICAL JOURNAL


ILMIY-METODIK JURNALI

ISSN: 0000-0000

www.tadqiqot.uz

Шахобиддинова Шоҳида Ҳошимовна
Филология фанлари доктори, профессор
Андижон давлат чет тиллар институти
Рустамов Дилшод Абдувоҳидович
Филология фанлари доктори, профессор
Андижон давлат чет тиллар институти

СИНЕРГЕТИКА – ТИЛГА ОИД ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ МЕТОДОЛОГИЯСИ

 <https://doi.org/10.5281/zenodo.8145876>

АННОТАЦИЯ

Мақолада синергетика тилга оид тадқиқотларнинг истиқболли методологияси сифатида ўрганилган. Биламизки оламнинг лисоний манзараси ва унда инсон омилининг иштироки масаласи бошқа барча воқеа-ходисаларни ўрганиш жараёнидаги каби билиш назариясининг фалсафий категориялари ёрдамида таҳлил этилади. Маълумки, фан йўналишларига оид билимларни ўрганиш жараёни муайян методология ва методлар асосида ёндашишни талаб этади. Бирор объектни, хусусан, тил бирлигини ўрганишда бирламчи нукта сифатида унинг мавжудлиги фактини олиш лозим.

Таянч сўзлар: синергетика, методология, тил бирлиги, нутқий ва лисоний кўринишлар, фалсафий қарашлар.

Шахобиддинова Шаҳида Ҳошимовна
доктор филологических наук, профессор
Андижанский государственный институт иностранных языков
Рустамов Дилшод Абдувахидович
доктор филологических наук, профессор
Андижанский государственный институт иностранных языков

СИНЕРГЕТИКА – ПЕРСПЕКТИВНАЯ МЕТОДОЛОГИЯ ЯЗЫКОВОГО ИССЛЕДОВАНИЯ

АННОТАЦИЯ

В статье рассматривается синергетика как перспективная методология языковых исследований. Мы знаем, что вопрос о языковом картине мира и участии в нем человеческого фактора анализируется с использованием философских категорий теории познания, как и в процессе изучения всех других явлений. Известно, что процесс усвоения научных знаний требует подхода, основанного на определенных методологиях и методах. При изучении объекта, в частности языковой единицы, в качестве исходного положения следует брать факт его существования.

Ключевые слова: синергетика, методология, языковое единство, речь и языковые формы, философские воззрения.

Shakhobiddinova Shahida Khoshimovna

Doctor of Philology, Professor
Andijan State Institute of Foreign Languages

Rustamov Dilshod Abduvakhidovich

Doctor of Philology, Professor
Andijan State Institute of Foreign Languages

SYNERGETICS - A PROMISING METHODOLOGY OF LANGUAGE RESEARCH

ABSTRACT

The article considers synergetics as a promising methodology for language research. We know that the question of the linguistic picture of the world and the participation of the human factor in it is analyzed using the philosophical categories of the theory of knowledge, as in the process of studying all other phenomena. It is known that the process of assimilation of scientific knowledge requires an approach based on certain methodologies and methods. When studying an object, in particular a linguistic unit, the fact of its existence should be taken as a starting point.

Key words: synergetics, methodology, linguistic unity, speech and linguistic forms, philosophical views.

Инсон ҳозирги долғали замонда муносиб ҳаёт йўлини яшаб ўтиш учун қандай қатъиятларга амал қилмоғи лозим? “У ушбу олам томонидан унга нисбатан қўйилаётган шартларни қабул қилмоғи, уларнинг қаршиликлариаро ўзи хоҳлаган нарсани курашиб, қўлга киритмоғи лозим. Аммо инсон, одатда, фақат муҳтожлик уни бу оламга мослашишга мажбур қилади, деб ўйлайди. Аслида эса олам билан бу бирлик мажбурий муносабат эмас, балки онгли муносабат сифатида қабул қилиниши лозим... олам илоҳий оннинг амалиётидир: онгсиз ҳодисотлар ўйини фақат унинг юзаки қисмида”.

Демак, муносиб ҳаёт йўлини орзу қилган инсон ана шу ҳодисалар (хусусийликлар) ортида мавҳум, аммо баркамол ва абадий ҳаёт асосини (умумийликни) кўра билиши лозим. Унинг борлигига ишонч кундалик ижтимоий ва маиший ҳаётда икир-чикирлардан, алдамчи хою ҳаваслардан, хавфли сиёсий, диний, маънавий ёлғонлардан сақлайди.

Илму фанда эса бу хил қарашнинг ўрни беқиёсдир.

Қадимдаёқ таълимда хусусийликлар доирасида узоқ ўралашиб қолиш яхши натижа бермаслигини билишган. Гегель бу хил таълим болани ҳамма нарсага писандсизлик билан қарашга ўргатади деб ёзган эди. Шунинг учун таълимни бола руҳи қабул қилишига қодир мавҳумотларга асослаш тўғри бўлади. Бола онгига энг яқин мавҳумот эса тилдир. “Тил уни билиш бола руҳини хусусийликлар ва яқкаликлардан умумийликка томон, онгга томон кўтариб борадиган ўша ҳаво янглик ҳиссий-ноҳиссий ҳилқатдир”.

Тил хусусийликлари кундалик нутқ фаолиятида доим бизга керакли ҳамроҳ. Улар ортида турган умумийликни текшириш, топиш учун бизга на махсус қурол, асбоб-ускуна, на алоҳида шароит зарур. Шу билан бирга биз қўлга киритган натижалар қурилиши олам қурилиши, инсон ҳаёти асосини ташкил этувчи бошқа умумийликлар таҳлилида қўл келаверади. Чунки дунё ўхшаш тархлар, умумий тектологик қонуниятлар асосига қурилган:

Сониеъким чекти чун сунъи қалам,

Офариниш тархини қилди рақам.

Маълумки, фан йўналишларига оид билимларни ўрганиш жараёни муайян методология ва методлар асосида ёндашишни талаб этади. Бирор объектни, хусусан, тил бирлигини ўрганишда бирламчи нуқта сифатида унинг мавжудлиги фактини олиш лозим. У инсон иродаси ва ихтиёридан ташқарида ўзининг барча хусусиятларини жамлаган ҳолда ўз-ўзича мавжуддир: “...наrsa ҳақиқий нарсадир, у ўз-ўзича мавжуд, унда нимаики мавжуд бўлса, унинг ўз моҳиятига кўра, мутлақ бошқа нарсалар таъсирида эмас, мавжуддир”. Ана шу жиҳатни назарда тутиш объективлик демак. Объективлик қатъиятига риоя қилиш тадқиқотчини олдиндан мўлжалланган баҳолардан сақлайди, нарсанинг чигал ва хилма-хил муносабатлари

тизимда нарсанинг ўзини кўришга ёрдам беради. Тил бирлигига объектив баҳо беришнинг асосий шарти уни субстанциал тушунишдир. Тил бирлиги субстанциал тушунилганда, ўзининг муносабатларда очилувчи, лекин бу муносабатларгача ҳам мавжуд бўлган хусусиятларига эга материя сифатида талкин этилади. Тил бирлиги муносабатлараро яшайди, аммо у шу муносабатларнинг ўзигина эмас.

Тилни ўрганишда диалектиканинг асосий – қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши қонуни катта аҳамиятга эга. Ҳар қандай морфологик бирлик муайян қарама-қаршиликлар (зиддиятлар, оппозициялар) тизимида ҳаёт кечиради. Унинг ҳаётини ички зиддиятлар таъминлайди: "... зиддиятга қарама-қарши ўлароқ айният фақат оддий бевоситанинг, ўлик борлиқнинг таърифидир; зиддият эса ҳар қандай ҳаракатнинг ва ҳаётийликнинг негизидир. Бир ниманинг ўзида зиддият бор бўлгани учунгина у ҳаракатланади, импульс ва фаолиятига эга бўлади".

Зиддият тил ҳодисаларнинг нутқий ва лисоний кўринишларида бирдай мавжуд бўлади. Моҳиятан тил бирликлари зиддиятли иккиланган бўлиб, уларнинг бу табиати турлича намоён бўлади:

биринчидан, ҳар қандай тил бирлигининг икки қатор зиддиятли муносабатларга кириша олишида;

иккинчидан, уларнинг ҳам семантик, ҳам синтактик хусусиятларга эгаллигида, яъни тил бирлиги моҳиятининг зиддиятли иккиланганлигида...

Демак, тил бирлиги моҳиятини англаб етиш учун унинг хусусий кўринишларидан умумий томонини аниқлаш (синтезлаш), бу умумийликнинг зиддиятли табиатини ёритиш (компонент таҳлил йўли билан анализ қилиш), ва унинг зиддиятли муносабатлар тизимини тиклаш (оппозицияга қўйиш) лозим.

Ўрганилаётган объектни қай даражада объектив изоҳлаш тадқиқотчининг қандай методология ва тадқиқот методига таянишига боғлиқ. Шунинг учун ҳар қандай фанда метод ва методология таянч нуқта бўлиб хизмат қилади.

Авваламбор, «метод» ва «методология» тушунчалари изоҳига тўхталсак. Манбаларда келтирилишича, «метод - объектив борлиқ предмет ҳодисаларини - тадқиқот манбаини илмий таҳлил қилиб, ўрганиб, унинг моҳияти, табиати ва таркибини аниқлаш, муайян жиҳатларини, ўзига хос хусусиятларини топиш, очиш ва улар ҳақида илмий хулосалар, умумлашмалар чиқариш усулидир.

Методология - тадқиқотчининг мақсади билан боғлиқ, тадқиқот манбаини қандай тушуниши ва унга қандай усул билан ёндашиши - шу асосда объект юзасидан муайян назарий ёки амалий, мантикий (ички) ёки тавсифий (шаклий ташқи) билимларни ҳосил қилишидир».

Кўринадик, билимларни эгаллаш ва илмий тадқиқот муваффақиятини таъминлаш субъектнинг муайян метод ва методология танлови ва уни моҳирона қўллаш билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, ҳар қандай назария ва постулатларнинг мустаҳкам пойдеворини таъминлашда ҳам муҳим омилдир.

М.Абузалова тасаввуф ва диалектик гносеологияда билиш, ўрганиш ҳамда тадқиқ манбаига ёндашиш ва у ҳақида диалектик билим ҳосил қилишнинг 16 та асосий тамойили мавжудлиги ва улардан муайян фан тадқиқотларида фойдаланиш зарурлигини таъкидлайди:

1. Нарсанинг ҳаққоний (объектив, мустақил) алоҳидалик эканлиги.
2. Нарса – муносабатлар мажмуи.
3. Нарса ўзгариш ва тараққиётда.
4. Нарсада ички зиддиятлар.
5. Нарса зиддият (қарама-қаршилик) лар бутунлиги сифатида.
6. Қарама-қарши томонларнинг воқеланиши.
7. Анализ (таҳлил) ва синтез (умумлаштириш) бирлиги.
8. Нарса муносабатининг ўзга нарсалар билан чексизлиги.
9. Нарсаларнинг ўз аксига ўтиши.
10. Нарса муносабат (алоқадорлик)ларининг чексизлиги.
11. Нарса моҳиятида чуқурлашишнинг чексизлиги.

12. Нарса алоқадорликларининг чексиз миқдорда ошиб бориши.
13. Тараққиёт босқичида ўтган босқичлар такрори.
14. Инкорнинг инкори натижасида эскига қайтиш.
15. Мазмунни сақлаб, шаклни янгилаш.
16. Миқдорий ўзгаришларнинг сифат ўзгаришларига ўтиши.

Дунёни англаш, билиш жараёнидаги янгича ёндашув сифатида фанга кириб келган синергетик методология ҳам ана шу тамойилларнинг муҳим жиҳатларини ўзида мужассам этганини кўришимиз мумкин. Тадқиқот объектига синергетик тамойил асосида ёндашиш ўзбек тилшунослигига эндигина кириб келмоқда, ва, равшанки, илм-фан олдида уни янги поғоналарига кўтариш эҳтиёжи мавжуд.

Г.Хакеннинг таъкидлашича, «синергетика терминологиясидан фойдаланиб, биз тилларни одамлар бўйсунадиган параметрлар тизими деб айта оламиз. Бирор кишининг ҳаёти давомида тил бироз ўзгаради. Одам туғилганидан сўнг тилни ўрганади, яъни унга бўйсунди ва ҳаёти давомида тилни сақлашга ҳисса қўшади. Рақобат, флуктуациялар (сўзлар маъносидаги ўзгаришлар ва бошқалар) каби тил билан боғлиқ бир қатор фактларни энди синергетика доирасида ўрганиш мумкин».

Синергетика (қадимги юнонча συν-олд кўшимча (префикс) мувофиқ маъноси билан ва ёрғув «фаолият» маънолари уйғунлиги) термодинамик мувозанатдан узоқ очик бўлган тизимлардаги моделлар ва тузилмаларнинг шаклланиши ва ўз-ўзини ташкил этишини ўрганувчи фанларро йўналиш .

Е.Н.Князева синергетикага оид тушунчалар асосида нисбатан кенгрок таъриф беради: синергетика (юнонча synergeia – «хамкорлик», «хамжиҳатик» маъноларини англатади) – табиатдаги мураккаб тизимларда ўз-ўзини шакллантириш (ташкил қилиш) жараёнини, эволюциянинг қай босқичида хаос ижобий рол ўйнаши, тартибсизликдан тартибнинг пайдо бўлиши, қонуниятдан четлашиш ҳолатлари (флуктуация), беқарор ва барқарор ҳолатлар, чизикли ва чизиксиз тараққиёт, ривожланишнинг кўпмуқобиллилиги каби масалаларни ўрганади.

«Ўз-ўзини ташкил этиш назарияси сифатида синергетиканинг ўзига хос хусусияти шундаки, ҳамкорлик ва синергия натижаси сифатида ажралмайдиган қисмлар йиғиндисидан бутуннинг ҳосил бўлиш жараёнларини ўрганишдир. Бутуннинг қисмлари унинг мавжудлиги параметрларини белгилаб, тизимли яхлитлик барқарорлигини таъминлайди. Бутуннинг тартиб параметрлари, ўз навбатида, унинг қисмларига таъсир қилади».

Ўтган асрнинг 60-йилларида Б.Н.Белоусов, А.М.Жаботинский, И.Р.Пригожин, С.П.Курдюмов, И.Стенгерс, Г.А.Николис, Ю.Л.Климонтович каби олимлар томонидан синергетик қонуниятлар физика, кимё, биология, техника, иқтисод фанлари ва ижтимоий соҳалар доирасида кашф этила бошлаган бўлса, 70-йилларда ўз-ўзини ташкил этишнинг умумий қонуниятлари мавжудлиги масаласини ҳал қилган Г.Хакен уни синергетика деб аталган махсус фан доирасида ўрганишни таклиф қилди. «Синергетика илми физика, кимё, биология, социологияга ўхшаган махсус фан бўлмай, шу фанларда учрайдиган ўз-ўзини ташкилланиш илмидир. Синергетиканинг моҳияти шундан иборат».

Синергетика ўзини ўзи ташкил этишнинг интизомлилик ва мураккаблик бирлаштирилган назарияси сифатида талқин қилинмоқда. «Синергетика» терминини фанга киритган ва уни биринчи бор ўз маърузаларида ишлатган Герман Хакен 1969 йил Штутгарт университетида ўқиган маърузасида нега айнан синергетика терминини танлагани сабабини шундай изоҳлайди: «Мен «синергетика» сўзини танладим, чунки фанда кўплаб терминлар юнон тилидаги сўзлар билан номланган эди. Мен «биргаликдаги фаолият, энергия (доимий ҳаракат) нинг умумий кучи» маъносини ифода этадиган сўзни қидирардим. Мен «синергетика» сўзини таклиф қилганимда, унга «ўзаро таъсирланиш» тушунчасини ҳам киритдим. Шу тариқа, тадқиқот ҳаракатларининг умумий йўналиши аниқланди, бугунги кунда ҳам ўз кучини йўқотмади, айнан, алоҳида қисмлардан таркиб топган тизимларнинг умумий қонуниятларини ўрганиш жараёнидир. Мен ишонаманки, бу янги натижалар «синергетика»

атамаси остида қўлга киритилмоқда ёки бошиданок «синергетика» якуний объект сифатида эмас, балки тадқиқотлар йўналиши сифатида тушунилган».

«Синергетика» йўналишининг пайдо бўлишини XX аср хос бўлган интеграциялашув ва «турли хил объектларни ривожланишнинг ягона қонунларига бўйсунадиган мураккаб динамик тизимлар сифатида кўриб чиқишга интиладиган ҳаракат билан боғлиқ деб ҳисоблайдилар.

Синергетика дунёнинг тизимли табиатига оид кўплаб назарияларнинг синтези сифатида фаолият юритиши хусусияти орқали илмий доиралар эътиборини тортди. Синергетика тилининг асосини аниқ ва гуманитар фанлардан олинган бифуркация (икки қисмга ажралиш, қўшимча хусусиятларга эга бўлиб бориш), аттрактор (жалб қилувчи), иерархия, флуктуация (қонуниятдан четлашиш ҳолатлари), ночизиклилик, диссипатив (тарқоқ) тузилма, кооперация (ҳамкорлик), конкуренция, траектория каби кўплаб терминлар тўплами ташкил этади.

Шундай қилиб, синергетика илм-фан тараққиётининг бугунги босқичида барча соҳаларда тан олинаётган самарали йўналишлардан бири сифатида дадил кириб келмоқда. «Методологик вазифасига кўра у тадқиқ қилинаётган предмет ва объектларга ягона фанлараро ёндашувни шакллантиришга ёрдам беради».

Д.Бозаровнинг маълумот беришича, Штутгарт университетининг «Назарий физика ва синергетика институти»да синергетикага доир 69 жилдан иборат китоблар ва рисоалар чоп этилган бўлиб, 20 дан ортиқ фан соҳасида илмий-тадқиқот ишлари давом эттирилмоқда. Шунингдек, Россия Федерациясида синергетиканинг табиий-илмий ва фалсафий ғояларини акс эттирувчи 400 дан ортиқ монография ва ўқув қўлланмалар чоп этилиб, 200 дан зиёд номзодлик ва докторлик диссертациялари ҳимоя қилинган. Мана шу маълумотларнинг ўзиёқ синергетиканинг истиқболли йўналиш эканлигини кўрсатади.

Мураккаб, очиқ тизимлар синергетика ғоялари, тушунчалари, усуллари асосида ўрганилмоқда. Мураккаб борлиқ, тизимли ўзгаришларни англашга ёрдам берадиган жонли ва жонсиз табиат, жумладан, ижтимоий жараёнлар тадқиқида ҳам кенг қўлланилмоқда.

Ҳозирги кунда синергетика гуманитар фанларга тезкор равишда кириб бормоқда; социосинергетика ва эволюцион иқтисодиёт йўналишлари пайдо бўлди; психологлар ва ўқитувчилар томонидан қўлланилмоқда; тилшунослик, тарих ва санъатшуносликда дастурлар ишлаб чиқилмоқда, синергетик антропология яратиш лойиҳаси устида иш олиб борилмоқда. «Синергетика – оламнинг ўз-ўзини ташкил этиши, макон ва замонда нарса ва воқеаларнинг азалий кетма-кетлиги, ўзаро алоқадорлиги, уларнинг муайян тизимлардан иборат сабабий боғланишлар асосида мавжудлигини эътироф этишга асосланган илмий қарашлар мажмуидир.»

Дунё олимлари синергетика масаласига турли томондан ёндашмоқдалар. Уларнинг айримларига тўхталиб ўтамиз.

Е.Н.Князева ва С.П.Курдюмовлар «ночизиклилик» ни янги парадигманинг асосий концептуал жиҳати деб ҳисоблайдилар.

Академик Н.Н.Моисеев синергетиканинг муҳим хоссаси сифатида универсал эволюционизм ва коэволюцияга эътибор қаратади. Коэволюция –табиат ва жамиятдаги мавжуд системаларнинг биргаликда яшаши, ривожланиши демакдир.

Т.Н.Евграфова, Н.А.Исмуков, П.В.Ополев каби тадқиқотчилар синергетиканинг мавжуд фалсафий тушунчалар қаторидаги ўрни масаласи ҳамда диалектика ва синергетиканинг ўзаро уйғун ва айрича жиҳатларини тадқиқ қилади.

Ушбу методологик йўналиш ўзбек олимларида ҳам катта қизиқиш уйғотди, тез орада кўплаб илмий изланишлар олиб борилди. Республика миқёсида илмий тўпламларнинг чоп этилиши ҳамда илмий-назарий анжуман материаллари бунинг исботидир. О.Файзуллаев, Н.Шермухаммедова, М.Абдуллаева, И.Раҳимов, А.Ўтамуродов, Д.Бозаров, З.Мўминова, М.Қ.Ниязимбетов, Г.Ғ.Ғаффарова каби олимлар умумфанлар фалсафий методологик йўналиши сифатида талқин қилган бўлсалар, А.Нурмонов, А.Раҳимов, Н.Турниёзов,

М.Эрназаровалар лингвистика муаммоларига синергетик ёндашув масаласини тадқиқ қилганлар.

Хусусан, Д.Бозаровнинг изланишлари диққатга сазовор. Олим синергетик парадигма хусусида баҳс юритар экан, ушбу йўналишнинг асосий тушунча ва тамойиллари бирданига юзага келиб қолган ғоялардан иборат эмаслиги, балки бу тушунчаларнинг ғоявий-фалсафий илдизлари Шарқ ва Ғарб илмий мактаблари ғоялари асосида босқичма-босқич шаклланиб келганлигини таъкидлайди. Шундай экан, синергетика ўзидан олдинги илмий билишга оид назарияларнинг етакчи конструктив жиҳатларини қамраб олганлиги билан характерлидир. «Синергетика илмий тушунча сифатида фақат илмий муаммолар ечимини излаб топиш эмас, балки, у дунёни янги принциплар асосида тушуниш, тараққиёт парадоксларини ноанъанавий ёндашув асосида таҳлил қилиш, янги илмий ғоя ва гипотезалар орқали илмий йўналишларни ишлаб чиқишга ҳам муҳим шарт-шароит яратади. Бизнинг назаримизда, синергетика фалсафий нуқтаи назардан ҳам янги парадигма ҳисобланиб, унда инсон табиати, жамият ва инсонни ўз-ўзи ҳақида фикрлаши ҳамда мавжудлигини ҳис қилишга доир янги илмий фикр-мулоҳазалар қамраб олинган».

А.Нурмонов ва А.Раҳимовлар «Лингвосинергетикага кириш» рисоласида лингвистиканинг синергетик моҳиятини англаш йўлидаги илк тажриба сифатида синергетика ва тилшунослик ўртасидаги муносабатлар доирасида «Лингвосинергетика» фанининг назарий асослари, келиб чиқиш илдизлари ва манбалари, тадқиқот йўналишлари, истиқболи ҳақидаги назарий қарашларини илмий таҳлил этганлар.

Н.Турниёзов лисоний ҳодисаларда синергетик омилнинг амал қилишини шундай изоҳлайди: «Синергетик омил матн деривациясида (нутқ деривациясида) ўзини тўлиқ намоён этади. Айниқса, матн шаклланишининг фонетик, морфологик, синтактик воситалари синергетик омилнинг амалда қўлланишини таъминлайди. Бунда нафақат тил ва нутқ бирликларининг ўзаро қоришуви, балки когнитив-прагматик қоидалар ҳам қамраб олинади».

М.Эрназарова ҳам синергетик методологияни «нутқни система сифатида тадқиқ қилишнинг фалсафий асослари»дан бири сифатида аҳамияти ортиб бораётганини эътироф этади.

Синергетика хусусидаги деярли барча манбаларда унинг қуйидаги 7 та асосий тамойили қайд этилган:

1. Гомеостатиклик. Гомеостаз (юнонча бир хил, ўхшаш + туриш; ҳаракатсизлик) – асосан, биологияда қўлланадиган термин бўлиб, ўзини ўзи бошқариш, очиқ тизимнинг динамик мувозанатини сақлашга йўналтирилган реакциялар орқали ички ҳолат барқарорлигини сақлаш қобилияти. Тизимнинг ўзини қайта ишлаб чиқиш, йўқолган мувозанатни тиклаш, ташқи муҳитнинг қаршилигини енгиш истаги. Синергетикада тизимнинг ўзини гомеостаз ҳолатида тутиш мақсади-дастури аттрактор (ўзига тортувчи, жалб қилувчи) деб аталади. Гомеостатикада икки кутбlilik, мақсадлар ўртасидаги ички қарама-қаршилик яхлитликни ҳосил қилади. Тизимини ягона мақсад атрофида ушлаб қолиш хавотири олам ҳақидаги яхлит тасаввурга эга бўлган ҳар қандай тадқиқотчини ташвишлантиради. Ягона мақсад бирининг иккинчисини тақозо этиши билан боғлиқ. Айтайлик, абадий яшаш учун туғилиш ва ўлим жараёни кетма-кет алмашилиб туради, дарахтнинг ҳаёти давом этиши, баҳорда гуллаши учун кузда барглари тўкиши керак.

2. Иерархия. Қуйи тизимларнинг юқори тизимларга босқичма-босқич (поғонали) бўйсунishi, ташкилланиши. Масалан, тил сатҳлари(фонетика, морфемика, лексика, морфология, синтаксис)нинг поғонали муносабати. “Поғонали муносабатлар тил қурилишида ўта фаол бўлиб, турли қолипларда (моделларда) учрайди. Қолиплар тилнинг қурилиш бирликларидан бўлганлиги сабабли улар ҳам ўзаро бирикиб, ўзидан бошқа каттароқ қолиплар ичига бирлик сифатида киришлари ва поғонали муносабатларда бўлишлари мумкин.”

Тилда мураккаб белгиларнинг мавжудлиги умуман тил тизимининг мураккаб тузилиши масаласи билан боғлиқ. Мураккаб тизим тушунчаси методологик назариядир. Ҳар қандай аниқ объектни мураккаб тизим деб ҳисоблаш мумкин. Хоссатан, тўғридан-тўғри умумий тил тизимини шакллантирувчи асосий кичик тизимларнинг мураккаб тил тизимидаги

ўрнини белгилашда бир кичик тизим элементларининг ўзаро ҳамда турли кичик тизим элементларининг бир-бири билан бўлган муносабатларидан келиб чиқиб ёндашиш табиийдир.

Муайян тил бирликлари бошқаларидан тузилган ва ўзидан қуйи сатҳдаги бирликларга нисбатан анча мураккаб, ёки бошқача қилиб айтганда, мураккаблик даражаси бўйича улар бир-бири билан ўзаро иерархик муносабатда бўлади. Тил бирликларининг камида тўрт даража мураккаблигини ажратиш одат тусига кирган. Ю.С.Маслов мураккабликнинг етти даражасини, америкалик тавсифловчилар эса ўттиз-қиркtagача даражаланишини фарқлайдилар. Кейинроқ мураккаблик даражасига кўра лингвистик бирликлар нисбатининг энг содда модели яратилди, бу жумлалар, сўзлар, морфемалар ва фонемаларнинг фарқланишини назарда тутди.

3. Ночизиқлилик. Анъанавий илмий доирада чизиқлилик, тартиблилик олий мезон ҳисобланган. Гомеостазнинг бир ҳолатидан иккинчисига ўтиш учун эса объект уларнинг қўшма чегараларни ёриб ўтиши, чизиқсиз ҳудудига кириши керак. Тўсиқ қанчалик баланд бўлса, ўтиш ҳолати кучлироқ ва гомеостазнинг майдони каттароқ бўлади. Чуқур гомеостаз ўзгариши бўладиган тизимни тубдан қайта қуриш катта куч талаб қилади.

Ҳиссий органлар ҳам сезгирликнинг ночизиқли хусусиятларига, сезиш чегараларига эга, акс ҳолда биз ҳамма нарсани кўрадиган, ҳамма нарсани эшитадиган (тебраниш ва нурланишнинг барча частоталари ва интенсивликлари мавжуд) ажойиб жонзотлар бўлар эдик, ҳеч қандай мия бундай ортиқча маълумотларга дош беролмайди. Тилшуносликда ҳам деривацион қонуниятлар, транспозиция, кўп вариантлилик, услубий ҳосланиш каби хусусиятлар ночизиқликка асосланган.

4. Очиқлилик. Синергетик ёндашув бу борада ҳам янгича қарашларни илгари суради. Очиқлик тизимларнинг оддийдан мураккабгача ривожланиши дастурини ўрганишга имкон беради. Бу шуни англатадики, иерархик тизим фақат материя, энергия, маълумотни бошқа сатҳлар ва тизимлар билан алмашиш орқали ривожланиб, мураккаблашиши мумкин.

Тил ва нутқни ночизиқли очиқ тизим сифатида тушуниш уларнинг кўпқирралилиги, коммуникатив очиқлиги, ички ва ташқи таъсирларга ҳамда флукутацияларга бойлиги, турли нутқий вазиятларда ва маданий контекстларда янги маъно, мазмун ва ифода шаклларининг спонтан равишда юзага чиқиши динамик тараққиётга эгаллиги каби бир қатор синергетик хусусиятлари билан боғлиқдир.

XX-XXI аср жаҳон тишунослигидаги янги-янги тушунчалар ва йўналишларнинг пайдо бўлиши, психоллингвистика, прагмалингвистика, лингвосинергетика каби синтез таҳлил усуллари, мулоқот жараёнига эса аудио-визуал, виртуал шаклларнинг дадил кириб келиши бунга ёрқин мисол бўла олади.

5. Беқарорлик. Синергетика тараққиёт жараёнида беқарор ҳолат билан барқарор ҳолат ўртасидаги алоқадорликка алоҳида эътибор беради. Синергетика мактабининг асосчиларидан бири И.Пригожин ўзининг «Беқарорлик фалсафаси»да бу ҳақда батафсил тўхтади. Унинг фикрича, шу вақтга қадар беқарорлик тушунчаси салбий маънода ишлатиб келинган ва унинг асл моҳиятига етарли эътибор берилмаган. У беқарорликни борлиқнинг муҳим жиҳати сифатида талқин этади. Ушбу тамойил асосида пайдо бўлган янги сифат ўзгариши ҳамда эски ва янги ўртасидаги чегара «бифуркация нуқталари» билан боғлиқ. Бифуркация тушунчасини олимлар мавжуд тизимда пайдо бўлган айрилиш - янги йўналишларни санчқининг икки учли шаклига ўхшатишади, кейинги даврда эса ана шу йўналишларнинг бир нечта бўлиши мумкинлиги эътиборга олинган ўринларда полифуркация термини ҳам қўллана бошлади. «Хусусан, ўзбек тили учун агглютинация, синтетизм, суффиксация, реляция ҳодисалари барқарор ҳолат - космос, фузия, аналитизм, префиксация ҳодисалари эса беқарор ҳолат - хаос ҳисобланади. Тадрижий тараққиёт жараёнида муайян тил учун хаотик белгилар барқарорлик хусусиятига эга бўлиши ҳамда тил структурасига кескин таъсир қилиши мумкин».

6. Динамик иерархия (эмерджентлик). «Эмерджентлик» («фавқулудда», кутилмаганда пайдо бўлган) баъзи бир хусусиятлар, яъни горизонтал равишда тизимнинг янги сифати ўз-ўзидан пайдо бўлишини англатади. Ўтмиш ва келажак ўртасидаги нуқта – кичик тизимдаги

бифуркация нуктаси, ўзгаришларнинг бутун давридир. Айнан шу ерда динамик бетартиблик асосида катта тизимни ривожлантириш учун эволюцион танлов амалга оширилади.

7. Кузатувчанлик. Кузатувчанлик тамойилига кўра ҳар қайси илмий назария эмпирик асосга эга бўлиши ва текширишда малакали эксперимент ўтказишга имкон берадиган миқдор ва тушунчаларни қўллаш зарур. Фаннинг ривожланиши антропик тамойил, шахсий билимлар билан боғлиқ бўлиб, бу концепция М.Полани томонидан киритилган.

Якуний натижа олдиндан ақлга сиғмайдиган натижага эга бўлган иррационал воқеа характери олади. Синергетикада кузатувлар миқёсининг нисбийлигига асосланилади. Тизимнинг яхлит тавсифи турли хил қўшимча миқдорларнинг йиғиндисидан ва турли даражадаги кузатувлар ўртасидаги алоқадорликдан ҳосил бўлади. Синергетикада кузатувлар кўлами ва кутилган асл натижага нисбийлиги билан изоҳланади. Тизимнинг чегарасини аниқлаш кузатувчи позициясига боғлиқ.

Хулоса қилиб айтганда, синергетика объектнинг субстанциал моҳиятини чуқур таҳлил қилиш имкониятини бера оладиган методология сифатида тилшунослик муаммоларини тақик қилишга ҳам асос бўла олади. Бир бутун яхлит тизим сифатида тил сатҳларига оид ҳодисалар, табиий ва ижтимоий эволюцион жараёнлар натижасида юз берган турли хил ўзгаришларни синергетик парадигма асосида таҳлил ва талқин этиш тилшунослик фани олдида турган навбатдаги тараққиёт босқичига йўл очади.

Адабиётлар:

1. Гегель. Философия духа // Гегель. Сочинения. т. III. -М., 1956. -С. 95.
2. Гегель. Философия духа // Гегель. Сочинения. т. III. -М., 1956. -С. 93.
3. Гегель. Философия духа // Гегель. Сочинения. т. III.-М., 1956. -С. 93.
4. Навоий Алишер. Лисон ут-тайр. Тошкент, 1991. -Б.18.Гегель. Система наук. ч. I. Феноменология духа // Соч. т. I. -М: Изд. социально-экологической литературы, 1959. -С.65.
5. Гегель. Наука логики // Соч. т. М., 1937. - С. 520.
6. Иванов С.Н. Курс турецкой грамматики. ч. I. -Л: ЛГУ, 1975. -С. 77-91. Нигматов Х.Г. Морфология тюркского глагола по материалам Махмуда Кашгарского. Автореф. дис... кандидата филол. наук. -Л., 1970. -С.4.
7. Расулов Р. Умумий тилшунослик. – Т.: 2010. – Б.255.
8. Абузалова М. Субстанциал морфология, валентлик ва синтактик қурилма. Филол. фанл. докт (DSc). ... дисс. автореф. – Самарқанд, 2018. – Б.17.
9. Хакен Г. Синергетика. – Москва: Мир, 1980. – С.382.
10. Иванова В.С., Баланкин А.С., Бунин И.Ж., Оксогоев А. А. Синергетика и фракталы в материаловедении. – М.: Наука, 1994. – С.29
11. Князева Е.Н. Саморефлексивная синергетика // Вопросы философии. 2001. – № 10. – С. 99-113.
12. Ополеву П.В. Синергетика в философской традиции // Вестник Башкирского университета. 2010. – №2. – С.469.
13. Файзуллаев О. Фалсафа ва фанлар методологияси. – Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ, 2006. – Б. 23.
14. Князева Е.Н. Синергетике 30 лет: Интервью с профессором Г.Хакеном // Вопросы философии. 2000. – № 3. – 53-61 с.
15. Кузьмина Н.А. Язык синергетики и синергетика языка // Вестник Омского университета. 2004. – № 3. – С.38.
16. Бозаров Д. Синергетик парадигма. —Т.: 2009. –Б.14.
17. Бозаров Д. Синергетика парадигмасининг фалсафий-методологик таҳлили. Фалсафа фанлари номз. дисс. – Т., 2010. – Б. 5.
18. Буданов В. Методология и принципы синергетики // Філософія освіти. 2006. – № 1(3). – С.157.

19. Шермухамедова Н. Синергетика // Фалсафа асослари. – Тошкент: Ўзбекистон нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2005. – Б.384.
20. Ополев П.В. Диалектика и синергетика: тождественное и различное. Автореф. дисс. канд. философ. наук. – Омск, 2010. – 22 с.; Ополев П.В. Синергетика в философской традиции // Вестник Башкирского университета. 2010. – №2. – 467-472 с.; Евграфова Т.Н., Исмуков Н.А. Диалектика и синергетика // Научно-технические ведомости СПбГПУ. Гуманитарные и общественные науки. 2016. – № 2 (244). – 83-89 с.
21. Бозаров Д. Синергетик парадигма. – Т.: 2009. – Б.27.
22. Нурмонов А., Раҳимов А. Лингвосинергетикага кириш – Т.: Академнашр, 2013 – 112 б.
23. Турниёзов Н. Нутқ деривацияси ва синергетик омил хусусида // <http://library.ziyonet.uz/ru/book/76875>.
24. Эрназарова М. Грамматик маъно лисоний ва прагматик омиллар яхлитлигида. Филол. фанл. докт (DSc). ... дисс. автореф. – Самарқанд, 2018.
25. Теслинов А. Г. Развитие систем управления (Методология и концептуальные структуры). – Москва: Глобус, 1998; Буданов В.Г. “Синергетическая парадигма и её творцы” // [Электрон манба: <http://spkurdyumov.ru/what>]
26. Нейматов Х., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. Тошкент, 1995. – Б. 23
27. Языковой механизм // <https://studfile.net/preview/1712395/page:3/>
28. Буданов В.Г. Синергетическая парадигма и её творцы // <http://spkurdyumov.ru/what/sinergeticheskaya-paradigma-i-ee-tvorcy>.
29. Нурмонов А., Раҳимов А. Лингвосинетгетикага кириш. – Т.: Академнашр, 2013.– Б.59.
30. Фалсафа: қомусий луғат (Тузувчи ва масъул муҳаррир Қ.Назаров). – Т.: Шарқ, 2004. – Б.369.
31. Нурмонов А., Раҳимов А. Лингвосинетгетикага кириш. – Т.: Академнашр, 2013. – Б.65.
32. Тельнова Н.А. Основные принципы синергетики и их методологическое значение. / <https://cyberleninka.ru/article/n/osnovnyie-printsipy-sinergetiki-i-ih-metodologicheskoe-znachenie/viewer>.

“YANGI ASR” – ILMIY-METODIK JURNALI

1 ЖИЛД, 1 СОН

“НОВЫЙ ВЕК” – НАУЧНО-МЕТОДИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ

ТОМ 1, НОМЕР 1

“NEW CENTURY” – SCIENTIFIC-METHODICAL JOURNAL

VOLUME 1, ISSUE 1